


Ҳалол маҳсулот ва хизматлар бозори



09:20 / 28.08.2021 1324

Ҳозирги кунда ҳалол маҳсулот ва хизматлар бозори йил сайин кенгайиб бормоқда. GLOBAL HALAL MARKET RESEARCH REPORT 2020 да қайд этилишича, глобал ҳалол бозорининг ҳажми 2020 йилда 1.29 трлн. АҚШ долларига баҳоланган эди. 2026 йилга бориб ушбу кўрсаткич 1.91 трлн. АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Ҳалол маҳсулот ва хизматларнинг асосий тармоқлари қуйидагилар:

- зиқ -овқат ва ичимликлар;
- фармацевтика ва косметика;
- туризм ва меҳмонхона хўжалиги;
- таълим ва технология;
- қишлоқ хўжалиги;
- мода ва тўқимачилик саноати (fashion and textiles)

(Ушбу ҳисоботга Ислом молия саноати кўрсаткичлари киритилмаган)

Ҳалол маҳсулот ва хизматлар савдосини глобал масштабда ривожлантириш мақсадида Halal expo – кўргазмалари ташкил этиш

йилдан-йилга оммалашиб бормоқда.

Бир қатор омилларни инобатга олган ҳолда, тадбиркорлар учун йил якунига қадар ташкил этиладиган энг йирик Ҳалол маҳсулот ва хизматлар кўргазмаларининг рўйхатини телеграм каналимиз орқали кўришингиз мумкин <https://t.me/islomuz/20583>

Манба: IslomMoliyasi телеграм канали